

ЎРТА ОСИЁГА АМУДАРЬЁ ЭКСПЕДИЦИЯСИННИНГ  
ТАШКИЛЛАШТИРИЛИШИННИНГ ТАРИХИЙ САБАБЛАРИ

Тасполатова Г.Е.

*ЎзРФАҚҚБ Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти, Нукус.*

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.15710539>

Ҳар бир халқ маълум бир табиий ва ижтимоий муҳитда яшайди ва ривожланади. Биз ўрганаётган даврда қорақалпоқ халқи ўз тарихини жуда оғир табиий ва сиёсий шароитларда яратган. Ўша пайтларда қорақалпоқларнинг табиий муҳити аҳоли учун яхши деҳқончиликни йўлга қўйиш учун ноқулай эди. Чунки, бир томондан қорақалпоқ халқи бевосита теварак-атрофга табиатга боғлиқ бўлиб, айнан шу нарса асосан хўжалик турларини ва унинг ривожланиш йўналишларини белгилаб берган. Оғир табиий шароитларга дуч келганда, улар баъзан мағлуб бўлиб, яшаш учун мос аҳоли жойларини излаб ченинишга мажбур бўлди. Бу орада кўп асрлик тажриба шаклланиб, қорақалпоқлар аста-секин табиий шароитларнинг ўзига хос хусусиятларига мослаша бошлади. Ўзига хос табиий муҳит бутун Ўрта Осиёда деҳқончилик (ўтроқ) ва чорвачилик (кўчманчи) жамиятларининг узоқ муддатли бирга яшаши имкониятини яратди. Асрлар давомида қорақалпоқлар деҳқончилик, чорвачилик, балиқчилик, овчилик ва ҳоказоларни муваффақиятли бирлаштириб, мураккаб иқтисодий ўзлаштирилди ва уларнинг ҳаётида савдо-сотик ҳам муҳим ўринни эгаллади.

Иккинчи томондан эса, бу давр қорақалпоқ халқининг сиёсий жиҳатдан энг катта ўзгаришларга учраган даври ҳисобланади. Хива хонлиги ҳудудининг 1873 йил 29 май санасида Чор Россияси томонидан ишғол этилиши, икки давлат ўртасида 1873 йил 12 августта Гендимиён битимининг тузилиши натижасида мазкур ҳудудда яшовчи қорақалпоқ халқининг ҳудудлари иккига бўлинишига ва ижтимоий ҳаётда катта ўзгаришларга олиб келди.

Шу ўринда, XIX асрнинг иккинчи ярмидаги қорақалпоқлар тарихини ўрганиш жараёнида ўша даврдаги этник муҳитни этиборсиз қолдириб бўлмайди. Ҳар қандай жамият ривожига табиий омиллардан ташқари ташқи омил – яъни қўшни жамиятлар ҳам таъсир кўрсатади, улар ҳам табиий равишда ўзгаришсиз қолмайди. Қорақалпоқ халқи тарихини ҳам Ўрта Осиёдаги ўзбек, тожик, қозоқ, туркман ва бошқа халқларнинг тарихи каби, бошқа халқлардан ажратиб ўрганиб бўлмайди.

Мана шундай, тарихан оғир вазиятда қорақалпоқ-рус муносабатлари шаклланиб бошлайди. Ўтган асрлардаги Россия империяси билан алоқа бутун Марказий Осиё минтақасининг тақдирига ҳам ижобий, ҳам салбий томондан

фундаментал таъсир кўрсатди. Бу қорақалпоқ халқининг манфаатларини Россия манфаатлари билан боғлашнинг оғир шароитларида секин кечган узоқ муддатли ва мураккаб жараён эди. Қорақалпоқ халқи нигоҳини Россияга қаратган ҳолда, доимо сиёсий ҳимояга интилди, барқарорликни орзу қилди, кудратли куч ёрдамида тинч ҳаётни таъминлашга, жунғорлар ва яқин қўшнилари бўлган қозоқлар ва туркманларнинг ҳужумларидан ўзини ҳимоя қилишига умид қилди. Қорақалпоқларнинг Россияга бир неча бор уларни фуқароликка қабул қилиш таклифи билан мурожаат қилганликларининг биринчи сабаби шу эди.

Шу ўринда, русларнинг ҳам Ўрта Осиёга қизиқиш сабаблари бор эди. Улардан бири ва энг асосийси Ўрта Осиё орқали Ҳиндистонга борадиган савдо йўллари тиклаш эди. Олтин Ўрданинг қулаши ва Қозон ҳамда Астраханнинг завт этилиши билан Волга дарьёси бутунлай рус дарьёсига айланди. Бу дарьё орқали шарққа йўналиш ғояси рус подшоҳи Ионна(Иван) IV Васильевични жуда қизиқтиради. Ионна(Иван) IV дан бошлаб бу ғоя рус подшоҳларини тарк этмади [Гиршфельд и Галкин:10].

Мазкур ғоянинг амалга очишига катта ҳисса қўшган шахс, яна бир рус подшоҳи Петр I нинг таъбири билан айтганда: “Болтиқбўйи ва Қора денгизларда Европага дераза очар экан, Қирғиз(қозоқ бўлиши мумкин) ва туркман чўллари орқали Осиё давлатлари эшикларига калит қидирди”. Марказий Осиёнинг фаол дарьёси Амударьё ёрдамида Ҳиндистонга тўғридан-тўғри борадиган сув йўлини қидирди [Гиршфельд и Галкин:11]. Шундай қилиб, илгари Каспий денгизига қуйиладиган Амударьёнинг ўзанини рус босқинларидан кўрқиб, хиваликлар тўсиб қўйгани ҳақидаги хабар Пётрга етиб келди. Улар подшоҳга Каспий орқали Ҳиндистонга борадиган улкан сув йўлини кўрсатдилар ва Петрнинг онгида дарьёнинг аввалги оқимини тиклаш истаги пайдо бўлди. Туркманлар ёрдамида Амударьёнинг ғарбий каналида қурилган тўғонларни бузиш эҳтимоли ҳақидаги миш-мишлар ва дарьёнинг олтин қумларни ювиб кетиши ҳақидаги хабарлар ниҳоят Петрни ўйлаган режасини амалга оширишга ундади ва у Ходжа Мухаммедханни Хива тахтига ўтиришини табриклаш баҳонасида кабардин князи, капитан Бекович-Черкасский босчилигида экспедиция юборишга қарор қилади [Гиршфельд и Галкин:11]. Бу экспедициянинг Хива хони Шерғазихон томонидан ҳийла йўли билан яқсон қилиниши ва Бековичнинг ишончига ўз калласи билан тўлов қилгани тарихдан маълум. Хива хонлигига биринчи ташкил этилган экспедицияларнинг юборилиш сабаби шулар эди.

Табиийки, қорақалпоқ-рус муносабатларининг ўрнатилиши аҳолининг савдо-иқтисодий манфаатларидан келиб чиқиб, нафақат Ўрта Осиё, балки Рус бозорларида ҳам ўзини зарур маҳсулотлар билан таъминлашдан келиб чиққан эди.

Туркистон савдогарлари рус бозорларини дастлаб кашф этган ва эгаллаганлар. Рус тарихчиларининг маълумотларига кўра, Туркистон савдогарлари 1364 йил Нижний Новгородга борганлар [Др. Боймирза Ҳайит:65]. Шундан сўнг, Россия ва Ўрта Осиё хонликлари ўртасида муҳим алоқалар асрлар давомида сақланган бўлиб, масалан қорақалпоқлар руслар билан ўзаро савдо алоқаларига қадимдан-оқ фаол қатнашарди. Қорақалпоқ савдогарлари рус шаҳарларининг тез-тез меҳмони бўларди. Улар Россиядан товарлар, кийимлар сотиб олади, ўзлари эса жун, қўй териси ваҳоказо шундай маҳсулотларни сотади. Савдонинг сезиларли даражада ривожланганлигига 1722 йили қорақалпоқларнинг Россияга минг туялик савдо карвони билан борганлиги [Камалов С., Қосбергенов Р., Қосымбетов И., Қощанов А:10] далил бўлади.

Ўз навбатида Россиянинг Ўрта Осиё халқларига, жумладан, қорақалпоқларга муносабати мотиви эса савдо мақсадларидан узоқ эди. Россия XVI асрдан бери Сибир орқали Хитойга, Туркистон орқали Ҳиндистонга ва Кавказ орқали Эрон ҳамда Туркияга чиқиш мақсадида бўлса ҳам XVIII нинг бошларига қадар Туркистонга қарши тўғридан-тўғри ҳарбий юришни ташкил қила олмади [Др. Боймирза Ҳайит:69]. Биринчи навбатда рус императори Петр I Ҳиндистан билан савдо алоқаларини ўрнатиш учун қулай савдо йўлларини изларди. Бу фикрнинг активлашувига эса қўйидаги бир воқеа сабаб бўлади. Бу ҳодиса Хорезмда Амударёнинг Каспий денгизига қуйган эски тармоғида майда кум-олтин кўп эканлиги ҳақида хабарнинг тарқалиши сабаб бўлди. 1714 йили Москвага келган туркман савдогар Хожа Непес Рус Петр I га Амударёдаги олтин кум ҳақида хабар беради. Амударёнинг қўйи оқимида жойлашган олтин конлари тўғрисидаги маълумотларнинг ишончлилигини текшириш 1717 йилда Хива хонлигига Бекович-Черкасский экспедициясининг вазифаларидан бири бўлиб, натижасиз якунланди.

Аммо бу мақсад, яни олтин конларини излаш ва янги йўлларнинг изланиши каби мақсадлар шу ҳолида қолиб кетмади. Россия оқир-оқибатда 1873 йил 29-майда Хива хонлиги босиб олганидан сўнг, аввал бошдан ўрганилиши режа қилинган ҳудуд ҳақида маълумотлар тўплаш мақсади амалга ошади. Бу ишни амалга ошириш учун Туркистон генерал-губернатори К.П. фон Кауфман бошчилигида махсус дастур тузилади. Ушбу дастурда жуда кўп муҳим саволлар кўтарилади, бу саволлар орасида биринчи ўринни Амударёнинг аввалги оқими ҳақидаги савол эгаллади. Сўнгра, Хивани ишғол қилиш тугалланиши биланоқ, Амударёнинг қўйи оқими ва унинг доимо Каспий денгизига қуйилиб келган қадимий каналларини ўрганиш учун дарҳол экспедиция жиҳозланади. Урундарё экспедицияси номи билан машҳур бўлган ушбу экспедиция дастлаб кўп ва хилма-

хил аъзолардан иборат (бу аъзолар: Туркистон ҳарбий топографик бўлими начальниги, полковник С.И.Жилинский – Амударьёнинг қуйи қисмларида астрономик ва топографик ишларни назорат қилади; унинг ихтиёрига топографлар Шимановский, Сыроватский, Петровъ и Кусиковъ; полковниклар: барон А.В.Каулбарс ва Д.И.Глуховскийга Амударьёнинг эски канали Узбой йўналишини ўрганиш топширилди. Уларга ёрдам бериш учун Туркистон сапёр рота капитани Д.М.Резвый тайинланди [Туркестанский сборник:47] ) бўлса-да, охир-охибат Кўня Урганчни ўрганиш мақсадида табиатшунослар экспедиция таркибидан ажралиб чиққанлиги сабабли фақатгина суратга олиш ишларига айланади. Бу экспедиция Хивадан Кўня Урганчга, у ердан эса Амударьёнинг эски ўзани бўйлаб Сари қамиш кўлига борган. Лекин афсуски, у туркманлар қўзғолони туфайли тез орада қайтиб кетади. Туркманларни 15 июльда генерал Головачев Чандирда мағлубиятга учратиб тинчландиргандан сўнг, Урундарьё экспедицияси давом эттирилди. Экспедиция бошлиғи этиб Тянь-Шанда ўз фаолияти билан машҳур бўлган барон Каулбарс тайинланди. Аъзолари эса топографлар: Сыроватский, Рудневлар тадқиқот ва кузатишлар олиб боришди [Мушкетов:242]. Учбу Урундарьё экспедициясининг асосий ва энг муҳим натижаси Амударьёнинг Урундарьё деб аталадиган эски оқимининг Кунья-Урганчдан Сари қамич кўлига қадар гўзал сьемка қилиниши бўлди. Мазкур кузатишлардан сўнг, 1873 йилги ўз тадқиқотлари натижасида Каульбарс “Амударьёнинг қуйи оқими” (“Низовья Амударьи”) номли асар ёзади. Аммо бу экспедиция тўлиқ олдига қўйилган вазифаларини бажармаган эди.

Бу экспедициянинг давоми сифатида Император Рус география жамияти томонидан 1874 йилда ташкил этилган Амударьё экспедицияси фаолият олиб борди. Мазкур экспедиция иккита бўлимдан иборат бўлиб, бири полковник Тилло бошчилиги остида, фақат Орол ва Каспий ўртасида нивеллировка билан шуғилланган. Иккинчиси генерал Столетов бошчилигида Амударьёнинг қуйи оқимида ва Қизилқум чўлида метеорологик, гидрографик ва табиий-тарихий кузатишлар олиб борди. Яна битта бўлим эса, Санкт-Петербург табиатшунослар жамияти томонидан тузилган Орол-Каспий экспедицияси номи билан машҳур бўлиб, у махсус раҳбарсиз Каспий, Орол ва Устюртнинг табиий-тарихий характерини ўрганди. Амударьё экспедициясининг генерал Столетов бошчилигидаги бўлими Н.А.Северцов, ботаник Смирнов, метеоролог Дорандт, этнограф Соболев, гидрографлар Зубов ва Вудлар ўзларининг кенг кўламли тадқиқотларини олиб бордилар. Экспедициянинг бу қисми Казалинскдан Қизилқум орқали, қисман Орол денгизининг шарқий қирғоғи бўйлаб, Аму ва Петро-Александровсккача давом этади [Мушкетов:252]. Бу экспедиция Орол

флотилиясининг баржали пороходларидан бирида худудга юборилади. Экспедиция аъзолари Петербургдан 1874 йилнинг апрел ойи оқири – май ойи бошларида йўлга чиқади. Экспедиция аъзоларининг кўпчилиги шу йилнинг октябрь бошларида ўз вазифаларини якунладилар. Ўлкада фақатгина метеорологлар (Дорант ва Мильберг) йил давомида кузатишлар олиб бориш мақсадида қоладилар. Экспедициянинг ҳаражатлари учун 20000 (йигирма минг) рубл ажратилиши режа қилинган. Император Рус Географик жамиятининг 1874 йилги ҳисоботидан қайд этилишича, Амударёнинг қуруқликдаги қирғоқларини ўрганиш мақсадида умумий режа ишлаб чиқилган. Бунда бирқанча пунктлар, жумладан: Амударёнинг сув миқдорини ва унинг юк ташиш даражасини аниқлаш, дарёнинг барча тармоқларининг ўлчамини олиш; Хива оазисини суғоришга кетадиган сув миқдорини аниқлаш; топографик текширувлар олиб бориш, геологик ва табиий-тарихий жараёнларни ўрганиш; қумларнинг тарқалиши натижасида сахро сув сақлагичларининг қуруб қолишини тадқиқ қилиш; Хивадан Каспий денгизигача энг яхши қуруқлик йўллари ҳақида маълумотлар тўплаш ва Орол бўйи даштларидаги кўчманчи халқлар, уларнинг чорва моллари сони, шунингдек, Хива хонлиги билан алоқалари ҳақида кенгроқ тафсилотлар тўплаш лозим эди [Отчёт императорского русского географического общества за 1874 года:20].

Экспедициянинг фаолият майдонига тўхталсак, асосан, Россия ва Хива шегараларидаги Амударёнинг қўйи оқими ва бутун узунлиги бўйлаб Узбойни, сўнгра Жаңа дарёя(Янгидарё) бўйидаги худудни ўз ичига олиши лозим делинган. Аввалги дарё туби қолдиқлари бўлиши ва у дарё Сирдарё ёки Амударё билан бирлашиб, Каспийга қуйган деб тахмин қилинган[Отчёт императорского русского географического общества за 1874 года: 21]. Ушбу тахминнинг қанчалик тўғрилигини текшириш вазифаси экспедициянинг фаолият майдонига киритилган эди.

Шуни таъкидлаш жоизки, Чор Россияси ҳукуматининг ўлкага йўллаган экспедициясининг натижалари бизга бундан 150 йил аввалги қорақалпоқлар тарихини, уларнинг ва қўшни халқларнинг ўлкадаги яшаш шароитлари ва шуғулланган касб-кори ҳақида аниқ маълумотларни олишимизга ёрдам бериши билан қимматли ҳисобланади. Шу боисдан Амударё экспедитсияси материалларини келажакда батафсил ва чуқур тадқиқ қилиш Қорақалпоғистон тарихининг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

**Адабиётлар:**

1. Гиршфельд и Галкин. Военное описание Хивинского оазиса. Типография Штаба Туркестанского военного Округа. 1902.

2. Туркистон Россия ва Хитой оралиғида / Др. Боймирза Ҳайит. Таржимон: Б.Исабек-Ўрдабекли. Такризчилар: Н.Каримов ва бошқ. Масъул муҳаррир: Қ.Ражабов. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2023.
3. Камалов С., Қосбергенов Р., Қосымбетов И., Қощанов А. – «Мэнги дослық», Нөкис - «Қарақалпақстан» 1973.
4. Поездка по Хивинскому ханству в 1873 г. Туркестанский сборник. Том 184.
5. И.В.Мушкетов. “Туркестан”. С-Петербургъ. 1886.
6. Отчётъ императорскаго русскаго географическаго общества за 1874 года. С-Петербургъ. 1875.